

Научный вестник Бухарского государственного университета* Scientific reports of Bukhara State University

ISSN 2181-6875

**BUXORO DAVLAT
UNIVERSITETI**

**I
A** **ILMIY
XBOROTI**

3/2015

• ANIQ VA TABIIY FANLAR

Saidov Q.S., Botirov K. Kapillar ho'llanadigan quyosh suvchuchitgichida issiqlik almashinuvi jarayonlari.....	2
Mamatova N.H. Tenglamalarni qutb koordinatalar sistemasiga o'tib yechish.....	5
Sayidova N.S., Kazimova G.X. Grafik obyektlarda ranglar va qatlamlar (sloy) tushunchasi (coreldraw dasturida).....	9
Ismoilova M.N., Imomova Sh.M. Vektorli to'lqin tenglamasiga qo'yilgan aralashmasalani parametrlari ayirmali sxema bilan sonli hisoblash.....	15
Nuriddinov J.Z. Kechikuvchi argumentli oddiy differensial tenglamalar.....	18
Rahmonov A.A. O svojstvaх определителя фредгольма, ассоциированного одним семейством операторных матриц.....	22
Умаров Б.Б., Абдурахмонов С.Ф., Худоярова Э.А., Сулаймонова З.А., Гайбуллаев Х.С., Парпиев Н.А. Биядерные комплексы никеля (II) с продуктом конденсации бензоилацетона и дигидразида субериновой кислоты.....	28
Норбоева У.Т., Холлиев А.Э. Ғўза навлари фотосинтезининг соф маҳсулдорлигига шўрланнинг таъсири.....	32
Қаршиева Д.Р. Камқонлик касаллиги ва унинг олдини олиш чора-тадбирлари.....	36
Рахмонов Р.Р., Райимов А.Р., Уракова М.А., Рахимов Ж.Р. Ғуррак (обыкновенная горлица)нинг тарқалиши, биологияси ва аҳамияти.....	40
Назарова С.М., Курвонтоев Р.Қ. Бухоро воҳасида тарқалган тупроқлар ва уларнинг механик таркиби.....	44
Doniyorov B.N. Musicha (streptopelia senegalensis linnaeus)ning biologiyasi va ekologiyasiga doir ma'lumotlar (Buxoro viloyati misolida).....	49

• TILSHUNOSLIK

Жўраева Б.М., Аҳмедова Р.А. «От» ЛМГ асосида шаклланган ўзбек халқ мақоллари услубияти.....	53
Ражабов Д.З., Сариев С.М., Курбанова С.Б. Эпические традиции и культурные контакты народов мира (на основе героических эпосов тюрко-язычных народов).....	57
Рузметова З.Н., Палванова О.И., Артыкова Г.Ш. Междометия как средство выражения модальных значений.....	61
Саидова Г.Б. Туркий ёзма манбаларда келтирилган айў ва айў сўзларининг семантикаси.....	66
Касимова Р.Р. Ўзбек никоҳ тўйи этнографизмларининг инглиз тилидаги ўгирмалари.....	71
Юсупова О.С. Эгасиз гапларнинг услубий хусусиятлари.....	76
Салохиддинова З.О. Поэтические инновации в идиолекте иннокентия анненского.....	82
Жалилова Л.Ж. Языковые особенности американской сатирической прозы начала XX века.....	88
Vaxronova D.K. Ispan tilida perro (it) va gato (mushuk) zoomorfizmlarining etnospesifik xususiyatlari.....	92

• ADABIYOTSHUNOSLIK

Ҳайитов Ш.А. Навоий насри нафосати.....	97
Ахмедова Ш.Н. Халқ ардоғидаги шоира (Зулфия)шунослик саҳифаларидан.....	101
Расулов З.И., Пулатова М.Т. Кристофер Марлонинг "Буюк темурланг" ("Tamburlaine the great") асари асосини ташкил этган шахс зиддиятлари.....	107
Мажитова С.Ж. Жомий ғазалларида "дил"нинг мажозий маънолари.....	112

Қаршибаева У.Д. Ғарбий европа адабиётида романтизмнинг шаклланиши тамойиллари.....	115
Botirova A.E. Xalq og'zaki ijodi – oltin meros.....	120

• NAVOIY GULSHANI

Амонова З.Қ. Инсоний муҳаббат – ҳақиқий ишққа кўприк демак.....	123
---	-----

• IQTISODIYOT

Ҳамроев Ҳ.Р. Буюк давлат тушунчаси ва Ўзбекистоннинг буюк давлат бўлиши имкониятлари.....	125
Илхомова Ё.С., Шокиров С.И. Инвестиция қонунчилигининг такомиллашуви - иқтисодий барқарорликнинг гарови.....	130

• TARIXSHUNOSLIK

Ҳайитов Ш.А., Раҳмонов К.Ж. Қори йўлдош Пулатов - маориф жонқуяри, матбаачи, ҳукумат арбоби ва миллий истиқлол курашчиси.....	134
Қандаҳаров А.Ҳ. Кармана ва унинг Бухоро хонлиги тарихидаги ўрни.....	138
Хўжамуратов У.Р. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида фермерлик ҳаракатининг ўрни.....	143

• FALSAFA VA HUQUQ

Раунов С.С. Парламент назоратининг конституциявий мақоми.....	148
Намозов Б.Б. Хожа Муҳаммад Порсонинг "Кашф" хусусидаги гносеологик қарашлари.....	152

• SAN'ATSHUNOSLIK

Бадиев М.М., Жўраева Г.Н. Мавлоно Шариф мажмуаси.....	157
---	-----

• PEDAGOGIKA

Мирзаев Ш.М., Болтаев Т.Б., Қобилов Б.Б. Модул технологияси – таълим жараёнига тизимли ёндашув.....	160
Турсунметов К.А., Махсудов В.Г., Шералиев С.С. Тебранма ҳаракат бўлимини интеграцион технологиялар асосида ўқитиш.....	164
Арипова Х.А. Языковая игра как методическая форма развития творческой активности учащихся.....	171
Ungarov V.N., Eshpo'latov V.X. Boshlang'ich sinf o'quvchilarini vatanga muhabbat ruhidatariyalashda ommaviy axborot vositalari materiallaridan foydalanish (matematika darslari misolida).....	175
Атауллаева С.Ж. Аббревиация как репрезентант активности деривационных процессов в русском словообразовании.....	180
Зиядуллаев Д.Ш., Зиёдуллаева Г.Э. Очқ жаҳон ахборот ресурслари ва хорижий журналларда мақола чоп этиш усуллари.....	183
Жўраев Ж.Р. Ёшлар ва ижтимоий муносабатларга оид социологик тадқиқот таҳлили.....	186

• MUNOSABAT

Расулов З.И. Многоуровневость языковых явлений в системной интерпретации.....	182
---	-----

• QUTLOV

"Eng faol yosh olim" tanlovining respublika bosqichi.....	184
Талабалар фан олимпиадаси республика бошричи голиблари.....	185

• E'LON

"Бухоро давлат университети илмий ахбороти" журналида мақола эълон қилиш талаб ва шартлари.....	196
---	-----

БУЮК ДАВЛАТ ТУШУНЧАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУЮК ДАВЛАТ БЎЛИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Ҳамроев Ҳалим Розикович

БухДУ Иқтисодий таълим ва туризм кафедраси мудири, доцент

hamraevhalim@mail.ru

Таянч сўзлар: сифат, буюк давлат, қудрат, цивилизация, геосиёсат.

Ключевые слова: качество, великое государство, мощность, цивилизация, геополитика.

Key words: quality, great state, potential, civilization, geopolitics.

Мақолада "Буюк давлат" категорияси чуқур ўрганилган, уни аниқлаштириш услубиёти таклиф этилган, шу асосда мамлакатимизнинг буюк давлат мақомини олиш имкониятлари таҳлил этилган.

В статье исследованы некоторые аспекты категории «великое государство», предлагается методика её определения, анализируются возможности получения такого статуса для нашей страны.

The article thoroughly studies the category of "A great state" and recommends the method of its determination. On the basis of this the opportunities of our country to get the status of a great state are analyzed.

Буюк сўзининг луғавий маъноси улуг, юксак, катта маъноларига эгадир [1]. Буюк давлат термини халқаро миқёсда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган энг қудратли давлатларни билдириш учун қабул қилинган категориядир. Давлатнинг буюклиги нисбий тушунча, буюк давлатни буюк бўлмаган давлатдан ажратиш учун қандайдир чегара, меъёр керак, биз бунинг учун учта кўрсаткичга асосланиш маъқул, деб ҳисоблаймиз:

*биринчидан, ушбу давлатда яшовчи аҳоли планета аҳолисининг камида бир фоизини ташкил этиши керак (бундай давлатлар сони ҳозирги пайтда 18 тага етади);

*иккинчидан, ушбу давлат жаҳон ЯИМининг камида 2,5 фоизини бериши керак (бундай давлатлар сони 2011 йил маълумотига асосан ўнта, булар АҚШ, Хитой, Япония, Ҳиндистон, Германия, Буюк Британия, Франция, Бразилия, Россия ва Италиялардир);

*учинчидан, ушбу давлат жаҳон аҳамиятига эга бўлган ўзига хос цивилизация (маданият)га эга бўлиши керак ва бу маданият устуворликка, жозибадорликка эга бўлиши керак.

Цивилизация термини маданият термини билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у XVIII асда Францияда пайдо бўлди. Француз маърифатчилар цивилизациялашган жамиятни ақл ва адолатга асосланган жамият, деб ҳисоблашган.

Давлат буюк бўлиши учун халқи фаровон ҳаёт кечириши керак, бу эса қудратли иқтисодиёт яратилиши билан эришиб бўладиган ҳолатдир, иқтисодиёти қудратли бўлиши эса юқори, устувор маданиятга эга бўлиб эришиладиган нарсадир. Немис олими Макс Вебер (1864-1920) исбот қилиб берганидек, (У XVIII-XIX асрларда инсоний муносабатларни ривожлантириш борасида немис олимлари айтган фикрларни умумлаштириб, реформациядан кейинги хўжалик тўнтариши сабабини исботлаган эди) [6, 322], ҳозирги ғарб цивилизацияси, нисбатан устувор ахлоққа, тадбиркорлик, протестантлар ахлоқига таяниб шу даражага эришган [6, 62]. Демак, устувор иқтисодиёт устувор маданиятга, шу жумладан, ахлоққа таянади, у эса устувор иқтисодиёт яратишга йўл очади. Устувор иқтисодиёт ўз навбатида буюк давлат учун керак бўладиган инсонларни яратиб боради.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин, БМТ хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари бўлган АҚШ, СССР, Буюк Британия, Франция ва Хитой буюк давлат деб ҳисобланилган [2]. Ўша даврнинг буюк давлатлари юқорида саналган давлатлардан тўрттаси (Хитойни буюк дейишга асос йўқ эди, чунки халқи ҳаддан ташқари ночор ҳолатда бўлган давлатни буюк деб бўлмасди) ҳамда Германия, Япония, Италиялар эди. Аммо иккинчи жаҳон урушини бошлаб берган планета халқи бошига кўп ташвишлар келтирган, урушни ютқазган бу уч давлатни жазолаш мақсадида, уларни геосиёсат ишларидан четлаштириш мақсадида қилинган сиёсий қадам эди. Давлат учун буюклик узоқ вақт давомида миллатга бериладиган унвон эмас, уни машаққатлар билан қўлга киритиш ва ушлаб туриш зарур. Юқорида санаб ўтилган уч давлат

жуда катта хато қилиб буни қўлдан бой беришди, яна шу номга сазовор бўлиш учун камида ярим аср вақт талаб қилинди. Буюклик юкини кўтариш Франция, Буюк Британия каби аҳолиси ўсмаётган ва кейинги пайтларда мамлакат аҳолиси планета аҳолисининг бир фоизидан ҳам камайиб кетган давлатларга оғирлик қилмоқда. Бу борада Франция бош вазири Ален Жюпе 1995 йилда ишдан кетаётиб парламентда ёшларга қаратиб сўзлаган пайтда “буюк давлат бўлишини Франция исботлаши зарур ва керак” деб бежиз айтмаган эди [4, 52].

Буюк давлат тушунчаси XVIII Францияда пайдо бўлган (тарихдан биламизки, бу аср Франция асри деб ном олган, французлар ўзлари баҳо берганидек, “инсоният тараққиётида уларнинг космополитик роли бор” дейишади). Франциянинг шу асрдаги мавқеи ва инсоният цивилизациясидаги хизматини алоҳида кўрсатиш учун шу термин келиб чиққан эди. Давлатнинг буюклиги ушбу давлатда яшовчи халқнинг жаҳон цивилизациясига аҳамиятли, сезиларли таъсир қила олиши билан белгиланади. Шу даврнинг икки давлатини ҳақиқатдан ҳам буюк давлат деса бўлар эди: юқорида айтганимиздек Франция (биринчи навбатда Шарль Луи Мантесье раҳнамолигидаги маърифатчиларнинг фаолияти туфайли ҳозирги цивилизациянинг назарий асослари яратилди) ва янги цивилизациянинг иқтисодий асосини – бозор иқтисодиётининг кенг қамровли тарзда ривожланишига имкон берган давлат – Буюк Британиялар эди. Кейинги асрда буюклар қаторига яна икки давлат келиб қўшилди: АҚШ (1870 йилларга келиб ЯИМ ҳажми бўйича дунёнинг биринчи давлатига айланди) ва Германия (шу аср мобайнида иқтисодий жиҳатдан ривожланиб, аср охирига келиб дунёнинг иқтисодий қудрати жиҳатдан иккинчи давлатига чиқиб олди). Бу икки давлат техник тараққиёт ва илмий ривожланишда лидерлик позицияларини қўлга киритишди.

XX асрга келиб буюклар қаторига Россия, Япония, Италиялар чиқиб олди. XXI аср бошига келиб бу давлатлар қаторига энди Хитойни ҳам қўшса бўлади (иккинчи жаҳон урушидан кейин Хитойга бу номнинг ва БМТ хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолик мақомининг берилиши сиёсий маневр эди, бу давлат ҳақиқий буюкликка ҳозирги замон иқтисодий қудратга эга бўлиб, халқи учун нисбатан нормал турмуш даражасини яратиб бергандан кейин эришди). АҚШ сиёсатшуноси Збигнев Бжезинский айтганидек, “Буюк Хитой қайта тирилди” [4, 36].

Ҳар бир давлатнинг буюклиги ўзига хос жиҳатларга эга десак бўлади. Збигнев Бжезинский АҚШни энг буюк, алоҳида мавқега эга бўлган давлат қилиб турган тўрт омилни кўрсатади: ҳарбий соҳада унга тенг келадигани йўқ, иқтисодий соҳада у жаҳон тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи, технология масалаларида, фан ва техниканинг илғор соҳаларида абсолют лидерликка эга, маълум маънода маданият соҳасида ўз жозибадорлигига эга, деб ҳисоблайди [4].

АҚШни буюк қилиб турган омиллар қаторига яна қуйидагиларни санаш мумкин:

- ЯИМнинг ҳажми бўйича, яъни иқтисодий қудрат бўйича лидерликни қўлдан бермай келяпти (унинг ҳиссаси жаҳон ялпи миллий маҳсулотига 20 фоизлик даражадан пасайгани йўқ).
- Ҳарбий қудрат ва ҳарбий мавқеи бўйича ҳам лидердир.
- Молиявий жиҳатдан ҳам лидердир (юқори конвертирли доллар ва ТНК капитали орқали).
- У технологик жиҳатдан ҳам лидер давлат, айниқса, метатехнологиялар ишлаб чиқаришда (кишилар онгига информацион таъсир этишнинг самарали усулларини яратишда, жаҳонда мавжуд 50 асосий метатехнологияларнинг 20 таси АҚШга тегишли) [5].
- Жаҳон цивилизациясида сиёсий гегемонликни уддалаб кела олаяпти.

Буюк Британия давлатининг буюклиги нималарда кўринмоқда:

- сиёсий жиҳатдан катта анъаналарига таяниб жаҳон ҳамжамиятига таъсир қилмоқда;
- Европа Иттифоқи лидерларига оппонент бўлиб кучли таъсир қилмоқда;
- бир пайтлар дунёнинг энг катта қисмини мустамлака қилиб олганлиги туфайли, собиқ мустамлакаларга ўз тили, идеаллари, турмуш тарзи билан кучли таъсир қилмоқда.

Жанубий Африка Республикасининг биринчи қора танли президенти Нельсон Мандела шундай дегани бежиз эмас:

“Мен Британия мактабида тарбияланганман ва у даврда дунёдаги барча яхши нарсанинг уйи Британия эди. Мен Британия, унинг тарихи ва маданияти бизларга таъсир этганини тан оламан” [4, 16].

Франциянинг буюклиги қуйидагиларда намоён бўлмоқда: - у ҳам Буюк Британия каби бир пайтлар дунёнинг анча қисмини мустамлака қилиб олганлиги туфайли, собиқ мустамлакаларга ўз тили, идеаллари, турмуш тарзи билан кучли таъсир қилмоқда;

IQTISODIYOT

- сиёсий жиҳатдан катта тажрибага эга бўлган миллат сифатида ўтган кейинги уч асрда жаҳон цивилизациясига кучли таъсир қилиб келганлиги боис, планетанинг геосиёсатида ўз ўрнига эга;

- Европа Иттифоқини яратишда лидерлик позицияси билан ҳам жаҳон ҳамжамиятига кучли таъсир қилмоқда;

- кўп масалаларда дунё гегемони АҚШга оппонет бўла олиш билан ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

Германиянинг буюклиги қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

- юқори технологиялар ва техникалар ишлаб чиқариш ҳамда экспорт қилишда жаҳонда лидерлик позицияларини эгаллаб келмоқда;

- Франция билан биргаликда Европа Иттифоқини шакллантиришда лидерлик позициясини эгаллаб тургани билан ҳам жаҳон ҳамжамиятига кучли таъсир қилмоқда;

- яқин ўтмишда фашизм туфайли инсоният тараққиётига зарар келтирганлигини тан олиб, унинг ўз ҳудудидида ва планетада тикланмаслиги учун ҳаракат қилиб, ахлоқий жиҳатдан ўрناق бўлмоқда.

Япониянинг буюклиги эса қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

- иқтисодий қудрат жиҳатдан дунёнинг иккинчи - учинчи давлати сифатида ҳамда маҳсулот ишлаб чиқаришда лидерлиги билан ҳам жаҳонга ўрناق бўлмоқда;

- иқтисодиётни автоматлаштиришда ҳам лидерлик қилиб келмоқда (энг кўп роботлар яратилмоқда, дунё роботларининг учдан икки қисми ҳам шу давлатда);

- ҳозирги иқтисодий тараққиёт фақат ғарб маданиятига, ғарб ахлоқига таянади, деган тезисни барбод қилиш билан кўплаб ривожланаётган давлатларга йўлчи юлдуз сифатида таъсир қилмоқда.

Италиянинг буюклигини эса қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

- кейинги асрлардаги омадсизликларга қарамай ўз иқтисодий қудратини тиклаб, дунёнинг еттиликка кира олганлигидадир;

- тарихда латин дунёсининг яратувчиси сифатида (Европанинг уйғониш жараёнида ҳам катта ўрин эгаллаган) ҳозирги цивилизацияга маданий, илмий, идеологик ва бошқа жиҳатлардан таъсир қилиб келмоқда.

Россиянинг буюклиги қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

- дунё гегемони АҚШнинг қанчалик ҳаракат қилиши ҳамда СССР тарқалиши туфайли мамлакат ҳудудининг бир қисмидан ажралган бўлишига қарамай янги аср бўсағасида ўзлигини сақлаб қола олди ва иқтисодий қудрат жиҳатдан дунё давлатлари ичида ўнталикдан жой олди;

- кейинги беш аср мобайнида жуда катта ҳудудни қўлга киритиб, унинг ресурсларига эгалик қилиб дунёга ўз таъсирини ўтказмоқда;

- ҳарбий жиҳатдан АҚШга оппонент ҳамда муносиб рақиб сифатида кучли таъсир қилиб келмоқда;

- ўзининг ҳарбий салоҳияти ва иқтисодий ресурсларига таяниб ғарб менталитетига оппонентлик қилишга ҳаракат қилмоқда (З.Бжезинский бежиз Россияни йирик стратегик давлат деб баҳо бермаган [4]).

Хитой давлатининг буюклигини кўрсатувчи омилларга қуйидагиларни санаш мумкин:

- аҳоли сони жиҳатдан дунёнинг энг катта давлати (планета аҳолисининг бешдан бири);

- иқтисодий қудрат жиҳатдан дунёнинг иккинчи давлатига айланиб бораётганлиги;

- молиявий жиҳатдан дунёнинг марказларидан бирига айланиб бораётганлиги (энг кўп инвестиция қабул қилувчи давлат, четга инвестиция чиқаришда лидер давлат);

- ҳозирги Евро-америка цивилизацияси билан беллаша оладиган янги цивилизацияни бунёд этаётганлиги (Бжезинский Хитойга регионал давлат деб баҳо берган эди, аммо кейинги икки ўн йиллик дунё геосиёсатини Хитой фойдасига тубдан ўзгартириб юборди).

Албатта, кичик бир мақолада бу саккиз давлатнинг инсоният цивилизациясидаги ўрни тўғрисида тўлиқ маълумот бериб бўлмайди, аммо юқоридагилар қандайдир минимал тасаввурни беради, деб ўйлаймиз.

Дунёдаги ҳамма жараёнлар каби цивилизация тараққиётида лидерлик қилган давлат ва уларнинг ўрни, мавқеи ҳам ўзгариб бораверади. Буюклар қаторига яқин келажакда қайси давлатлар қўшила олади, деган савол туғилиши табиийдир. Янги аср бошидаги жараёнларни

таҳлил қилиб қуйидаги давлатларда буюк давлат бўлишда потенциал бор, деб ҳисоблаш мумкин: Ҳиндистон, Бразилия, Миср, Эрон, Мексика (ёки Испания).

Ҳиндистон бизга маълумки, дунё цивилизациясининг энг қадимий ўчоқларидан бири сифатида инсоният тараққиётига кучли таъсир этиб келган давлатдир. Аммо 1747-1947 йилларда, яъни инглизлар қарамлигида унинг мавқеи анча пасайиб кетган эди. Мустақилликдан кейинги ярим асрлик тараққиёт натижасида у ўзини анча тиклаб олди. Эндиги вазифа дунё лидерларидан бирига айланишдир.

Бунинг учун унда имконият жуда катта: 1,2 миллиард кишили аҳоли, тўрт минг йиллик тарихга эга бўлган ўта бой ва ранг-баранг маданият, мамлакат территорияси жуда катта биосоциал потенциал (бу шундай кўрсаткички, маълум территория инсон яшаши учун зарур бўлган ер, сув, қуёш ва бошқа ҳаёт учун зарур ресурслар билан таъминланганлик даражасини кўрсатувчи кўрсаткичдир, бошқача айтганда, ушбу территория нормал ҳолатда қанча одамни боқа олишини кўрсатади)га эга (дунёнинг бешталигига киради), Европадагидек, дунёни гўзаллик эмас, балки муҳаббат қутқаради, деган шiorга амал қилувчи, Гандизм (Маҳатма Ганди ўзига хос кучли маънавият инфодаловчи эканлигига Алберт Эйнштейн тан бериб "мен Маҳатма Гандидек киши билан замондош бўлганлигимдан фахрланаман" деб бежиз айтмаган) гоъларидан илҳом олувчи ўзига хос кучли идеологияси ва бошқалар.

Лотин Америкаси гиганти Бразилияга келсак, у нисбатан янги давлат, аммо биосоциал потенциал жиҳатдан дунёда биринчи ўринни эгаллаши мумкинлигини (унинг биргина Амазонка штати 1 млрд. аҳолини боқиш қурбига эга, деб ҳисоблашади), ҳозирги пайтда планета аҳолисининг уч фоизини эгаллаётганлигини ва жуда тез ҳамда ўзига хос тарзда ривожланаётганлигини ҳисобга олсак, унда ҳам буюк бўлишга имконият бор, деса хато бўлмайди. Бу давлатнинг буюклар қаторидан ўрин олишга салбий таъсир этаётган омиллардан бири мамлакат аҳолисининг криминал ботқоғига ботиб кетганлиги бўлса, иккинчиси ҳозирги замон цивилизация марказларидан нисбатан узоқлигини таъкидлаб ўтиш мумкин.

Араб дунёси инсоният цивилизациясининг энг қадимий, кучли ўчоқларидан бири сифатида ўз ўрнига эгадир. У ўзига хос маданияти билан, айниқса, ислом дини билан инсоният цивилизациясига таъсир қилиб келмоқда. Аммо кейинги асрларда унинг мавқеи пасайиб кетган эди. Пасайиб кетишининг сабаблари кўп, уларнинг ичида энг муҳими арабларнинг тарқоқлиги, яъни ягона давлатга бирлаша олмаганлигидадир.

Миср араб республикаси араб дунёсининг энг йирик давлати (планета аҳолисининг 1,5 фоизини ташкил этади), араб дунёсининг энг қулай жойида ва марказида жойлашганлиги учун араб дунёсининг ҳақиқий лидерига айланса, у ҳам буюк давлат бўлиши мумкин (бунинг бирламчи шартларидан бири кучли иқтисодий яратишдир). Минг йиллар давомида араб цивилизацияси билан ҳамоҳанг тарзда ривожланиб келган, аммо ўзига хос қирраларга эга бўлган Эрон давлати ҳам буюк давлат бўлиш учун катта потенциалга эга: Месопотамия цивилизациясининг меросхўри сифатида, территория жиҳатдан ва аҳоли сони жиҳатдан (планета аҳолисининг 1,4 фоизи, аммо жуда тез ўсаётганлигини ҳисобга олсак, келажакда унинг мавқеи янада ошади), географик қулайлик жиҳатдан устунлигидан фойдаланиб билса, ўз маданиятига таяниб инсониятга ўзига хос жозибадор маданият тақлиф қила билса, кучли иқтисодий яратиш билса, буюк давлат бўлиши мумкин.

Мексика планета аҳолисининг икки фоизини, жаҳон ЯИМнинг 2,1 фоизини беради, Испания эса планета аҳолисининг 1 фоизидан кам, аммо жаҳон ЯИМнинг 2 фоизини беради. Иккаласи ҳам ўзига хос испан маданиятининг йирик давлатлари, улардан қай бири испан дунёсининг лидери бўлишини вақт кўрсатади.

Бу иккала давлатлардан қай бири 20дан ортиқ испан тилида гаплашувчи давлатлардаги халқлар маданиятини, айниқса, минглаб тилларда гаплашиб келаётган хунду халқлари маданиятларини ўзида сингдириб билса, буюк давлат бўлиш имкониятига эгадир.

Ҳозирги пайтда дунё аҳолисининг қарийб олти фоизини (400 млн.кишидан ортиқ) ташкил этаётган, аммо аҳолиси анча тез ўсаётган "Малайя" цивилизациясининг (Индонезия, Малайзия ва Филиппин, учала мамлакатдаги аҳоли бир оилага кирувчи халқлар сифатида кўп умумийликка эгадирлар) ҳам жуда катта потенциалга эга бўлганлигини таъкидлаш мумкин.

Бу цивилизация ўзига хос мусулмон цивилизацияси сифатида замонга мослаша олиб, иқтисодий жиҳатдан тез тараққий қилаётган регион сифатида ажралиб бормоқда. Жанубий

Осиёнинг йирик давлатларидан бири Покистон тўғрисида қисқача тўхталиб ўтадиган бўлсак, ҳозирги пайтда унинг аҳолиси планета аҳолисининг уч фоизига қараб бормоқда, бундан ташқари, 1972 йилгача унинг таркибида бўлган мусулмон давлати Бангладешда 150 миллион аҳоли истиқомат қилади, қўшниси Ҳиндистонда 100 миллиондан ортиқ мусулмонлар мавжуд. Покистон халқи асрлар давомида ҳинд цивилизациясининг ичида бўлиб келган. Аммо кейинги қарийб етмиш йил алоҳида давлат бўлиб, Ҳинд цивилизацияси ичидаги мусулмонларнинг ўзига хос маданият ўчоғининг маркази сифатида шаклланиб бормоқда.

Аҳолиси жуда тез ўсаётган, иқтисодий жиҳатдан ҳам жадал ривожланиш йўлига кириб бораётган бу ўчоғнинг инсоният тараққиётига нима беришини вақт кўрсатади.

Кичикроқ бўлса ҳам улкан хоҳиш-истаклар билан XXI асрга кириб келган яна бир давлат – Корея (аниқроғи ҳозирча фақат Жанубий Корея, 50 миллион аҳолига эга, иқтисодий қудрат жиҳатидан дунёнинг ўнталигига кириш арафасида бўлган) ҳам буюк давлат бўлиш учун маълум бир потенциалга эга. Аммо унга тўсиқ бўладиган омиллардан муҳими – аҳолиси деярли ўсишдан тўхтади, Шимолий Корея билан қўшиб ҳисоблаганда планета аҳолисининг бир фоизини ҳам ташкил этмайди.

Ундан ташқари, бу миллат немис миллати каби демаркацион линия (Берлин девори каби)ни йўқотиб, бир давлат бўлиш муаммосини ҳал қилиши керак. Бунинг учун эса ягона ва қудратли Корея давлати пайдо бўлишини хоҳламайдиган давлатлар қаршилигини енгиб билиши керак.

Ҳозирги пайтда ўнлаб давлатлар таркибида бўлган, нигеро-кардофон тил оиласига кирувчи 100дан ортиқ миллионер халқи (аҳоли сони миллион кишидан ортиқ) бўлган, Саҳрои Кабирдан пастда жойлашган Африкага тўхталиб ўтсак, бу регион планетада аҳолиси энг тез ўсаётган ва яқин келажакда ҳам тез ўсадиган регион ҳисобланади. 150 миллион аҳолини бирлаштириб турган Нигерия бошчилигидаги бу давлатлар бирлашса, ўзига хос жозибатор маданиятни яратса, қудратли давлат бўлиши мумкин.

Ўзбекистонга келсак, у ҳам ўзига хос цивилизация (Турон цивилизацияси)нинг марказида жойлашган давлатдир, у доим Туроннинг иқтисодий, сиёсий, маданий маркази бўлиб келган.

Асрлар давомида “Буюк ипак йўли” имкониятларидан фойдаланиб, Хитой ва Европа, Ҳиндистон ва мусулмон дунёси чорраҳасида жойлашганлигидан фойдаланиб келган ва ўзига хос маданиятни яратиш билан ҳамда инсоният тараққиётига сезиларли ҳисса қўшиб келгандир.

Ҳозирги кунда бу цивилизациянинг инсоният тараққиётига салмоқли ҳисса қўшганлиги тан олинмоқда ва эътироф этилмоқда. Ўзбекистон бу цивилизациянинг машъали сифатида қуйидагиларни амалга оширса буюклар қаторига чиқиши мумкин:

- Марказий Осиёдаги беш давлатнинг ягона иқтисодий, кейинчалик, сиёсий-маданий организм бўлиши устида фаолият олиб бориши (бу регионда планетанинг бир фоиз аҳолиси яшайди, кейинчалик унинг ҳиссасини камида икки фоизга чиқариш зарур);

- Турон цивилизациясининг ўзига хос маданиятига таянувчи кучли ахлоқни яратиши зарур ва бу ахлоқ кўп жиҳатдан ҳозирги пайтда планетада ҳукмрон бўлган Евро-америка ахлоқидан, умуман, маданиятидан кучли бўлиши керак.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-том. – М.: Русский язык, 1981. – 154 б.
2. Советский энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1985. – С. 203.
3. Философский энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1983. – 766 с.
4. Бжезинский З. Великая шахматная доска. Господство Америки и его геостратегические императивы. – М.: Международные отношения, 1998. – 195 с.
5. Долголаптев А.В. Вектор прорастания Российской экономики – Восточный //Внешнеэкономическая торговля. - 2001. - № 5-6. - С. 6-7.
6. Майбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли. – М.: Дело, 1996. – 544 с.